

ДАВЛАТ УЛУШИ МАВЖУД ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Маматкаримов Нодир Баҳодирович

Банк-молия академияси тингловчиси

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада давлат улуси мавжуд тижорат банкларини хусусийлаштиришининг назарий-концептуал асослари тадқиқ этилган. Шунингдек, тижорат банкларидағи давлат улусининг хусусийлаштириши долзаблиги ҳам асослаб ўтилган. мақолада шунингдек, Ўзбекистонда давлат улуси мавжуд тижорат банкларининг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ҳам таҳлил қилинганд.

Калим сўзлар: хусусийлаштириши, давлат банклари, IPO, ЯИМ, банк активлари, банк капитали

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются теоретические и концептуальные основы приватизации коммерческих банков с государственной долей. Также обоснована необходимость приватизации государственной доли в коммерческих банках. в статье также анализируется значение коммерческих банков с государственной долей в экономике страны.

Ключевые слова: приватизация, госбанки, IPO, ВВП, банковские активы, банковский капитал

ABSTRACT

This article discusses the theoretical and conceptual foundations of the privatization of commercial banks with state shares. The need to privatize the state share in commercial banks is also justified. The article also analyzes the importance of commercial banks with a state share in the country's economy.

Key words: privatization, state banks, IPO, GDP, banking assets, bank capital

КИРИШ

Бугунги қунда банк тизими миллий иқтисодиётимизни тез ривожланиб бораётган секторларидан бири бўлиб, бозор иқтисодиётида тармоқларни бир-бири билан боғлаб туришида алоҳида муҳим молиявий воситачи ролини бажариб келмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон банк секторида сезиларли ўзгаришлар тенденцияси кузатилмоқда. Марказий банк маълумотларига кўра, Ўзбекистонда банк активларининг қарийб 69 фоиз қисми давлат секторига тегишли бўлган

бўлса, 20 фоиз қисми хусусий банклари хиссасига, қолган 11 фоиз улуши ипотека ҳамда хориж банклари улуши саналади[1].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, охирги йилларда ҳукумат молия секторида банкларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва банк активларининг концентрацияси хавфини камайтиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотларни бошлаб юборди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг режалари давлат банкларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ҳамда уларнинг камида бештасини босқичма-босқич хусусийлаштириш каби чоратадбирларни ўз ичига олади.

Шу нуқтаи назардан, давлат банклари фаолиятини ривожлантириш, мавжуд техник-технологик базани ривожланган ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотлар билан бойитиш орқали давлат банклари фаолиятини трансформация қилишга катта урғу берилмоқда.

Юқоридаги фиклар ва мулоҳазалардин келиб чиқсан ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, банклардиги давлат улушини хусусийлаштириш масалаларини тадқиқ қилиш муҳим долзарблиқ касб этмоқда.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини хусусийлаштириш билан боғлиқ масалалар қўплаб иқтисодчи-олимлар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, Д.А.Трифонов[2], А.В.Вахабов[3], Ш.Қ.Ханнаев[4] ва бошқалар бугунги кунда давлат улуши мавжуд тижорат банкларининг асосий вазифалари, улар фаолиятининг самарадорлиги, иқтисодиётда тутган ўрни тадқиқ этганлар.

Хусусан, Президент Ш.Мирзиёев давлат банклари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш борасидаги ўз нутқида қуйидаги фикрларни билдирган эди: “..Банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арzon ва узок муддатли ресурслар олиб келиши зарур. Миллий банк ва Ипотека банк бу йил ўз евробондларини чиқариши мақсадга мувофиқдир.

Давлат улушига эга бўлган банклар босқичма-босқич стратегик инвесторларга сотилади. Банк соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини mijoz учун ишлашга ўргатишдан иборат.” [5]

Давлат банклари ва уларнинг иқтисодий ривожланишдаги роли ва аҳамиятини ошириш, фаолиятини самарали ташкил этишга оид муаммолар қўплаб хориж ва мамлакатимиз олимлари томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, Вахабовнинг “Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ликвидлилиги ва тўловга кобиллигини оширишда капиталлашишнинг ўрни” [3] бўйича ёзилган

илмий ишида ҳамда Ш.Ханнаевнинг “Турли мулкчилик шаклидаги банклар фаолияти самарадорлиги таҳлили” мавзусидаги илмий мақоласида давлат банкларининг иқтисодий ривожланишдаги ўрни ва аҳамиятига тўхталиб ўтилган[4].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Илмий ишни амалга оширишда тижорат банкларида мавжуд давлат улушини хусусийлаштириш бўйича илмий тадқиқотчилар, олимлар ва соҳа вакиллари билан сұхбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиши орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Сўнгги йилларда Ўзбекистон банк сектори барқарор ривожланди. 2020 йилдан 2024 йилгача мамлакат банк активларининг умумий ҳажми 1,6 бараварга ошди ва келгусида ҳам улкан ривожланиш салоҳияти эга. Шу билан бирга, Ўзбекистонда банк активларининг аксарият қисми давлат банкларида жамланган бўлиб, улар асосан йирик давлат корхоналарини кредит билан таъминлайди. Бироқ, охирги йилларда хукумат молия секторида банкларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва банк активларининг концентрацияси хавфини камайтиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотларни бошлаб юборди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг режалари давлат банкларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ҳамда уларнинг камида бештасини босқичма-босқич хусусийлаштириш каби чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Айни пайтда республика банк секторида 35 та тижорат банки фаолият олиб бораётган бўлиб, шулардан 11 та давлат банки ва 24 та хусусий банк (уларнинг 7 таси хорижий капитал иштироқида) фаолият юритмоқда (1-расм).



Манба: Статистик бюлореңь (2019-2023) маълумотлари асосида тузилди

1-расм. Тижорат банкларининг давлат иштирокига кўра таснифи

Хозирги кунда, давлат капитали иштирокидаги банклари сони мамлакатимизда 11 тани ташкил этиб, 2017 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 1 тага кўпайган.

Ўзбекистон банк соҳасидаги активларнинг аксарият қисми давлат банкларида жамланган. 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, учта йирик банкнинг (Ўзбекистон Миллий банки, Асака банк, Саноатқурилишбанк) умумий улуси бутун банк секторидаги активларнинг деярли 55 фоизини ташкил қиласди. Банк сектори жами активларнинг 68 фоизи эса давлат банкларининг улусига тўғри келади. Давлат банклари кучли позицияга эга. Бу уларнинг иқтисодий ва ижтимоий дастурлардаги давлат инвестиция лойиҳаларининг асосий кредитори сифатидаги муҳим функцияси билан боғлиқ. Ўз навбатида, ҳукумат имтиёзли фоиз ставкалари бўйича маблағлар бериш ва депозитларни жойлаштириш ҳамда банкларнинг капиталини кўпайтириш орқали давлат банкларини қўллаб-куватлади.

Ўзбекистонда давлат банкларининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлиб, Республиканинг барча худудларида аҳолига банк хизматларини етказиб бериш, кичик ва оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллийлаштириш дастураларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.



Манба: Статистик бюлетеңь (2019) маълумотлари аоссида тузилди.

**2-расм. Ўзбекистон тижорат банклари активлари динамикаси, млрд.
сўм**

Сўнги йилларда банк активлари сезиларли равишда ўсиб бориб, 2017 йилда 149 трлн. сўмдан 2023 йилга келиб 652 трлн. сўмга етган ва 4 баробардан ошган. Яна бир трендга эътибор бериш керакки, банк активларида давлат банкларининг улуши камайиб борган. Хусусан, 2018 йилда уларнинг банк активларидаги улуши 81,9 фоиздан 2023 йилда 67,7 фоизга камайган (2-расм).

1-жадвал

Банк тизининг иқтисодиётдаги ўрни

Кўрсаткичлар номи	2021 й.	2022 й.	2023 й.
ЯИМ (номинал), млрд. сўм	738 425,2	896 617,9	1 066 569,0
Банк активлари, млрд. сўм	444 922,5	556 746,3	652 157,1
Шундан, давлат капитали мавжуд банк активлари қиймати, млрд. сўм	362 421,9	435 135,6	441 777,2
Активларнинг ЯИМга нисбати	60,3	62,1	61,1
Кредит қўйилмалари, млрд. сўм	326 385,6	390 048,9	471 405,5
Шундан, давлат капитали мавжуд банк кредит қўйиллари, млрд. сўм	280 073,6	324 680,8	333 298,1
Кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбати	44,2	43,5	44,2
Депозитлар, млрд. сўм	156 189,8	216 737,5	241 686,6
Шундан, давлат капитали мавжуд банклар депозитлари, млрд. сўм	104 248,0	135 534,4	124 357,7
Депозитларнинг ЯИМга нисбати	21,1	24,2	22,7

Кўрсаткичлар номи	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Капитал, млрд. сўм	70 917,6	79 565,4	97 079,2
Шундан, давлат капитали мавжуд банклар капитали, млрд. сўм	57 695,2	61 919,2	63 239,3
Капиталнинг ЯИМга нисбати, фоизда	9,6	8,9	9,1

Манба: Статистик бюллетень (2023) маълумотлари аоссида тузилди.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, тижорат банкларининг мамлакат иқтисодиёти ривожланишида аҳамияти бекиёс. Буни уларнинг ЯИМ га қўшаётган хиссаларидан ҳам кўриш мумкин. Агар 2021 йилда тижорат банклари активлари қиймати 444,9 трлн. сўмни ташкил этган ҳолда ЯИМдаги улуши 60,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб ҳам бу кўрсаткич 652,2 трлн. сўмни ЯИМдаги улуши эса 61,1 фоизни ташкил этганлигини кузатиш мумкин.

Шунингдек, тижорат банклари кредит қўйилмаларининг ЯИМдаги улуши 2021 йилда 44,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда ҳам бу кўрсаткич ўзгармаганлигини 1-жадвалдан кўриниб турибди.

Давлат банклари иқтисодиётни ривожлантиришда бекиёс аҳамият касб этиб, кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби муҳим вазифаларни амалга ошириб келмоқда.

Давлат банкларининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги аҳамияти бекиёслигига қарамасдан, сўнги йилларда уларни хусусийлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2020 йил 12 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ти Фармони қабул қилинди[6].

Мазкур Стратегияни ишлаб чиқиш жараёнидаги Жаҳон банки билан ҳамкорлик, хусусан, ислоҳотлар жараёнидаги асосий таваккалчиликлар ва уларни минималлаштиришга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш мақсадида бошқа давлатларда амалга оширилган банк тизимида ислоҳотларнинг ижобий ва салбий томонларини ўрганишга қатарилди ва натижада муҳим хуносалар шакллантирилди.

Биринчидан, банк тизимида давлат улушининг қисқартирилиши банк тизимини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Иккинчидан, давлат иштирокидаги банкларни хусусийлаштириш жараёни илфор технологик ечимлар ва банк ишининг илфор тажрибаси, шунингдек

етарли молиявий имкониятларга эга нуфузли ва сифатли акциядорларга йўл очиши лозим.

Учинчидан, ислоҳотлар муваффақиятининг асосий шартларидан бири бу – банкларни қисман эмас тўлиқ хусусийлаштиришдир.

Тўртинчидан, давлат иштирокидаги банклар ва реал сектор корхоналарини параллел равишда ислоҳ қилиш иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигига мухим ўрин тутади. Шу билан бирга давлат иштирокидаги корхоналарни реструктуризация қилиш

ва хусусийлаштириш уларнинг иқтисодий имкониятларини ошириб, банклар фаолиятига давлат аралашувини кескин қисқартиради.

Бешинчидан, ислоҳотлар даврида давлат иштирокидаги корхоналарнинг кредитлашга бўлган талабини чеклаб қўймаслик ҳамда молиявий оммабопликни таъминлаш учун айрим банкларда давлат улушкини сақлаб туриш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Олиб борилган таҳлиллар натижасида бир қатор хулосалар ишлаб чиқилган:

1. Илмий адабиётларда давлат капитали иштирокидаги банкларининг асосий функциялари сифатида қуидагилар эътироф этилади: Рағбатлантириш, Жамғариш, Воситачилик, Рационалистик ҳамда Ҳимоялаш функциялари.

Шунингдек, иқтисодичи олимлар давлат банкларининг қуидаги хусусиятларига тўхталиб ўтганлар: Ижтимоий, Ривожлантирувчи ва Соғломлаштириш сифатлари шулар жумласидандир.

2. Ўзбекистон банк соҳасидаги активларнинг аксарият қисми давлат банкларида жамланган. Давлат банклари иқтисодиётни ривожлантиришда бекиёс аҳамият касб этиб, кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби мухим вазифаларни амалга ошириб келмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES):

- Статистик бюлетеңь (2023). Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йиллик статистик маълумотлар тўплами, 347 б.
- Трифонов Д.А., Аверьянова Л.Л. (2016) О факторах риска снижения стабильности отечественной банковской системы [Текст] // Экономика и бизнес: теория и практика – №1.
- Вахабов А.В. (2009) «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ликвидлилиги ва тўловга кобиллигини оширишда капиталлашишнинг ўрни»

мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари.-
Тошкент.; Молия .- Б. 34-35

4. Ханнаев Ш.Қ. (2019) Турли мулкчилик шаклидаги банклар фаолияти самарадорлиги таҳлили. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмийэлектрон журнали. №1, январь-февраль.
5. Мурожаат (2020) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи газетасининг 25 январь сони
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон Фармони билан тасдиқланган “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банқ тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”